


# **АХБОРОТ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ**

# Мавзулар

- Ахборот тушунчаси;
- Ахборотларни узатиш;
- Ахборотнинг турлари: матн, тасвир, анимация, аудио ва видео;
- Ахборот бирликлари, ахборотнинг ўлчов ва ҳажм тушунчалари;
- Ахборотнинг жамиятда ва кундалик ҳаётимизда тутган ўрни;
- Файл тушунчаси ва уларнинг турлари;
- Файллар устида бажариладиган амаллар;
- Файлларни конвертация қилиш;
- Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари;
- Ахборотнинг салбий ва ижобий таъсири.

# Ахборот тушунчаси



Ахборот = маълумот+маъно

# Ахборотларни узатиш

- Ахборотларни узатиш турли хил усулларда, яъни хабарчи ёрдамида, почта орқали, транспорт воситалари ёрдамида, алоқа тармоғидан узоқ масофага узатиш ёрдамида амалга оширилади. Алоқа тармоғи бўйича узоқ масофага узатиш усулида маълумотларни узатиш вақтини сезиларли даражада камайтиради.



# Ахборот турлари


**Матн.** Матн – бу маълумотларни ифодалаш шакли бўлиб, у мазмунан ягона, яхлит ва танланган тилнинг белгилари кетма-кетлигидан иборат. Матн ҳужжат асосидир.

**Тасвир.** Тасвир – бу бирор воқеа, ходиса ёки жараёнларни ўзида ифодалаган расм бўлаклари ва ранглардан иборат маълумотдир. Фото, манзара, математик функциялар графиги ва шунга ўхшаш маълумотлар ҳисобланади.


**Анимация.** Анимация маълум тезликда тасвирларни алмаштириш маҳсулидир. Бунда маълум вақт оралиғида, маълум сондаги бир хил ўлчамга эга бўлган тасвирлар тезкор алмаштирилади.

## Tanlangan maqola

**Alisher Navoiy** (1441, fev. — 1501 yan.) — ulug' o'zbek shoiri, mutafakkiri va davlat arbobi. G'arbda chig'atoy adabiyotining buyuk vakili deb qaraladi, sharqda «nizomi millati va d-din» (din va millatning nizomi) unvoni bilan ulug'lanadi.



t = -3.1416





# Ахборотнинг ўлчови ва ҳажм бирликлари

- Ҳар қандай махсулотнинг ўлчов бирлиги мавжуд, масалан литр, метр, километр, килограмм, вольт, ампер, кубометр ва бошқалар.
- Худди шунга ўхшаш ахборотнинг ҳам ўлчови мавжуд. Иккилик санок тизимида ахборотнинг энг кичик бирлиги бит ҳисобланади, бир бит бу битта “1” ёки битта “0”.
- Бунда сигналнинг мавжудлиги “1” билан ёки йўқлиги “0” билан ифодаланади. Битларнинг бутун деб қараладиган туташ кетма-кетлиги байт деб аталади. Байт 8 битга тенг деб қабул қилинган.
- Шунингдек катта ҳажмдаги маълумотлар сифимини ўлчаш учун килобайт (кб), мегабайт (мб), гигабайт (гб), террабайт (тб) ва х.к.ўлчамлар мавжуд:
  - 1 Кб = 1024 байт,
  - 1 Мб = 1024 Кбайт,
  - 1 Гб = 1024 Мбайт,
  - 1 Тб = 1024 Гбайт.

# Файл тушунчаси ва уларнинг турлари

- Файл ягона яхлит деб қараладиган маълумотлар ёки дастурлар мажмуаси. Файл ўз номига эга бўлган ва тизимда сақланадиган маълумотларнинг асосий элементи бўлган объектдир.
- Фойдаланувчи файлни яратиши, жўнатиши ва йўқ қилиши мумкин. Хар бир файл атрибутлар ва ундаги ахборотдан иборат.
- Файлнинг атрибутларига. Биринчи навбатда унинг исми, ахборот тури, яратилиш куни ва вақти, ундан фойдаланиш усули, уни ишлатишга рухсат бериш шартлари киради.

 1.Ахборот технологиялари асослари.ppt	5 981 КБ	Презентация Micr...	25.04.2010 19:36
 2.Интернет технологиялари асослари.ppt	4 321 КБ	Презентация Micr...	25.04.2010 20:04
 3.Малака оширишни ташкил қилиш.ppt	1 644 КБ	Презентация Micr...	25.04.2010 20:11
 4.Баркамол авлод ва ИКТ.ppt	2 799 КБ	Презентация Micr...	29.03.2010 19:46
 Тренинг кулланмаси.doc	572 КБ	Документ Microso...	25.04.2010 1:02
 Тренинг кулланмаси.pdf	660 КБ	PDF Document	25.04.2010 1:06

# Файллар устида бажариладиган амаллар

- Файллар ўз номига эга бўлган ҳамда ўзида ахборотларни жамлаган объектдир. Шундай экан, демак ундан фойдаланиш жараёнида улар устида бир қанча амалларни бажариш мумкин. Булар:
  - файлларни яратиш;
  - файлларни нусхалаш;
  - файлларни ўзгартириш;
  - файлларни узатиш;
  - файлларни ўчириш



# Ахборотнинг салбий ва ижобий таъсири

- Ахборотнинг ижобий томони шундан иборатки, ўз вақтида олинган тўғри ва сифатли ахборот турли соҳаларда аниқ қарор қабул қилиш имконини беради.
- Тўғри сифатли ахборот инсонлар, айниқса ёшларнинг дунёқарашини бойитиши, билим олиши, замонавий билимлар эгаси бўлиши имконини беради, зеро Президентимиз таъкидлаганларидек фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур.
- Ахборотнинг салбий томони шундан иборатки, ҳозирги кунда айрим ғарб давлатларидан кириб келаётган бизнинг миллий қадриятларимизга ёт бўлган ахборотлар ва қарашлар ҳамда инсонлар онгини заҳарловчи маълумотлар ҳам мавжуд.
- Интернет ва СМС хабарлар орқали тарқалаётган жамиятимизга, қадриятларимиз ва анъаналаримизга, давлатчилигимизга зид бўлган ножўя ахборотлар ёшларнинг онгини заҳарлаши ва уларни нотўғри йўлларга бошлаши мумкин.
- Бундай ҳолатларнинг олдини олиш бизнинг вазифамиздир. Ҳар доим ахборотдан ўринли ва тўғри фойдаланиш зарур

**Эътиборингиз учун  
рахмат!**